O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№86 (639)
2022 йил 25 октябрь, сешанба
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг ўринбосари, саноат ва савдо вазири, қўшма Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Денис Мантуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Комиссия фаолиятининг асосий натижалари, жумладан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноатда, ёқилғи-энергетика мажмуида, кимё, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг етакчи корхоналари ўртасидаги амалий шерикликни кенгайтириш бўйича икки томонлама дастурни тайёрлашга келишиб олинди.

Қўшма Лойиҳа офисининг самарали фаолиятини давом эттириш, бизнес ташаббуслари ва ҳудудлараро алмашинув лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА.**

# ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ИШЛАР ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни куз-қиш мавсумида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа муассасаларининг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, жорий йил 23 сентябрда бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинган. Ҳар бир вилоят, туман ва йўналишлар кесимида алоҳида режа-жадваллар ҳамда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, манбалари белгиланган.

Йиғилишда энергетика вазири ва вилоят ҳокимлари бу борада бажарилган ишлар бўйича ҳисобот берди.

Қайд этилганидек, аҳолини, аввало, электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бунинг учун тўртинчи чоракда 21 миллиард киловатт соат, келгуси йил бошида қарийб 22 миллиард киловатт соат электр ишлаб чиқариш режалаштирилган. Шунингдек, куз-қиш мавсумида аҳолига 10 миллиард куб метр табиий газ етказиб берилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу жараёнда исрофга йўл қўймаслик учун газ қудуқларидан истеъмолчигача бўлган тизимни тўлиқ рақамлаштириш бўйича кўрсатма берди.

Табиий газ тармоғидан узоқдаги қишлоқ ва овуллар, ижтимоий объектларга суюлтирилган газ ва кўмир етказиб берилади. Президентимиз қайси ҳудудга яна қўшимча захира керак бўлса, таъминлаб берилишини таъкидлади.

– Барча тармоқ ва ҳудуд раҳбарлари бу масалада масъулиятини икки карра ошириб, аҳолини рози қилиши, ҳеч бир мурожаатни эътиборсиз қолдирмасдан, тезкор ҳал этиши лозим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Энергетика вазирлигига аҳолининг энергия манбалари билан таъминланганлик ҳолатини реал вақт тартибида мунтазам назорат қилиб бориш топширилди. Юзага келадиган муаммоларни бартараф этишда “колл-марказ”лар ва ҳудудий ишчи гуруҳлар фаолияти муҳим экани қайд этилди.

Энергия манбаларини иқтисод қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Дунёда энергетика соҳасида рўй бераётган муаммолар минтақамизга ҳам таъсир кўрсатаётгани, бундай вазиятда тежамкорлик долзарб экани айтиб ўтилди. Шу боис барча муассасаларда энергия тежовчи технологиялар ўрнатиш, одамларнинг бу борада дахлдорлигини ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда корхоналарни молиявий соғломлаштириш, тижорат банкларининг барқарорлигини ошириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Кредитлар эвазига ишга туширилган лойиҳаларни тўлиқ қувватга олиб чиқиб, уларнинг муддати ўтган қарздорлигини камайтиришга кўмаклашиш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

# Халқаро йўллар бўйида 749 та янги савдо ва сервис объекти ишга туширилди

**Бугунги кунда ҳар бир ҳудудда йирик улгуржи-савдо марказлари, логистика, қишлоқ жойларда кўчма савдо нуқталари, аҳолига эркин савдони амалга ошириш имконини берувчи чегараолди ҳудудларда марказлар ташкил этилмоқда.**

Бу борада жорий йилнинг ўзида 30 та бозор ва савдо комплекслари, 13 та йирик ва 1000 та кичик йўл бўйи инфратузилма объектлари ташкил этилиши назарда тутилган. Бунда ҳар бир ҳудудда бозор ва йирик улгуржи-савдо марказлари, магистрал ва халқаро йўллар ёқасида хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш бўйича ер майдонлари аниқланиб, ҳудудларнинг мастер режаларига киритилмоқда. Онлайн аукцион савдоларига чиқариб келинмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар иштирокида “Ҳудудларда савдо инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида ҳудудларда савдо хизматлари ва йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши муҳокама этилди.

– Президентимизнинг “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона хизматлари, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматларини кўрсатувчи ҳамда кўнгилочар масканларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз этиб белгилаш тўғрисида қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, – деди қўмита аъзоси Ақшагул Тулегенова ЎзА мухбири Муҳтарама Комиловага. – Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида умумий қиймати 6,1 триллион сўмлик жами 41 та йирик савдо комплекси ҳамда 364 миллиард сўмлик 5 та логистика марказини қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳудудларда жорий йилда 300 дан зиёд савдо марказлари ташкил этилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар 78 та савдо маркази фаолият бошлаган. Уларда 4 мингга яқин аҳоли иш билан таъминланган. Халқаро йўллар бўйида 749 та янги савдо ва сервис объекти ишга туширилиб, 3 мингга яқин аҳоли иш билан таъминланди. Маҳалла ва қишлоқ жойларда кўчма савдо нуқталарини кўпайтириш мақсадида аукцион савдоларига чиқарилган ер майдонлари сони 36,3 мингтани ташкил этиб, жорий йил учун белгиланган мақсадли кўрсаткичлар 131 фоиз бўлди.

Йиғилишда таъкидланганидек, бу каби ишларни назорат қилиб бориш ҳамда ҳисоботларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида Республика ишчи гуруҳи ўрганишлар олиб борган. Камчиликларга йўл қўйган жами 55 нафар мутасадди раҳбарларга тегишли жазо чоралари, жумладан, лавозимидан озод этишгача бўлган чоралар кўрилган.




# КЕЛАЖАКДАГИ ТОШКЕНТ

## қулай инфратузилма, замонавий архитектура ва яшиллик асосида барпо этилади

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Тошкент шаҳри кадастри рақамлаштирилиб, ҳудудларнинг тоифаси очиқ-ошкора қайд этиб қўйилади. Тирбандлик муаммосини ҳал этиш учун жамоат транспорти қулайлаштирилади, бунинг учун аҳоли уйидан 15 дақиқа пиёда юрадиган масофада бекат бўлиши талаб этилади.**

“Park and ride” тамойили асосида, шаҳар чеккаларида автотураргоҳлар ташкил этилиб, жамоат транспорти бекатлари билан боғланади. Биноларга ижтимоий талаблар белгиланади, масалан, шаҳар ичида кўп қаватли иншоот қурилгудек бўлса, унинг турига қараб, мактаб, боғча, маиший хизмат, автотураргоҳ ўрни, кўкаламзорлаштириш майдони каби меъёрлар қўйилади. Тошкент шаҳридаги яшил ҳудудлар майдони 7 минг гектардан 25 минг гектарга етказилади...

– Ҳойнаҳой, келажакка саёҳат қилаётганга ўхшайсиз? – сўради ҳамкасбим.

– Албатта.

Ҳамон менга ҳайратланиб турган ҳамкасбимга изоҳ бераман:

– Тўғрироғи, буларнинг барчаси Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳасида кўзда тутилган ишлар. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Бош режада аҳолининг фаровон яшаши учун бундан-да кўпроқ қулайликлар белгиланган. Буларнинг барчаси амалга ошса, пойтахтимиз бугунгидан-да кўркам, замонавий ва ўзига хос архитектурага эга гўзал шаҳарга айланади.

Дарҳақиқат, ўтган ҳафтанинг энг муҳим воқеаларидан бири – Президент Шавкат Мирзиёевнинг “ТошкентбошпланЛИТИ” давлат унитар корхонасига ташриф буюриб, Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳаси билан танишгани бўлди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг ҳудуди 43 минг гектар, аҳоли сони 3 миллионга яқинлашган. Инфратузилма тармоқларига юклама ортган. Транспортлар ҳам кун сайин кўпайиб, йўл ҳаракати қийинлашиб бормоқда. Чанг, тутун экологияга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, Президентимиз бу масалани алоҳида эътиборга олиб, пойтахтнинг меъморий қиёфасини сақлаб қолиш, келгусидаги қурилишларни шаҳар ташқарисида қилиш вазифасини қўйган эди. Хусусан, ўтган йили “Янги Ўзбекистон” боғининг очилиш маросимида ҳамда тошкентлик сайловчилар билан учрашувда бу борада концепция тайёрланаётгани айтилган эди. Пойтахтимиз келажаги билан боғлиқ бўлгани учун бу масалага жиддий ва пухта ёндашилди. “ТошкентбошпланЛИТИ” институтида чет эллик ва маҳаллий лойиҳачилар икки йил давомида ишлашди. Аҳолининг ўсиши, транспорт ва муҳандислик тармоқлари, иқлим ўзгаришлари таҳлил қилиниб, шу асосида транспорт тугунлари ва аҳоли пунктларини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Ташриф чоғида Президентимизга мазкур стратегия ҳақида ҳам маълумот берилди.










2-бет

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№86 (639) 2022 йил 25 октябрь

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

## “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!”



**21 октябрь куни барча ҳудудларда Ўзбек тили байрамининг 33 йиллигига бағишланган тадбир, адабий кеча ва мушоиралар бўлиб ўтди.**

Ўша куни Миллий боғ ҳудудида Адиблар хиёбонидаги муаззам Алишер Навоий ҳайкалининг пойи анвойи гулларга тўлди. Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, адиб-у шоирлар жам бўлишди. Хусусан, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги масъуллари ҳам иштирок этиб, ўзбек тили байрами муносабати билан улуғ шоир ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Шу билан бирга, Қурилиш вазирлигида “Ўзбек тили байрами куни”га бағишланган “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ҳам ташкил этилди.

## Инспекцияда маънавий-маърифий тадбир

**“Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир Тошкент шаҳар қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясида ҳам ўтказилди.**



Унда Тошкент шаҳар қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг биринчи ўринбосари Бобирхон Заиров ва Кадрлар бўлими бошлиғи Шаҳло Маҳкамова сўзга чиқиб, барчани она тилимизга эътиборли бўлишга чорлади.

## Янги қурилишларда яшилликка алоҳида эътибор қаратилади

**“Ўзгидромет” берган маълумотларга кўра, Тошкент дунё бўйича ҳавоси энг ифлосланган шаҳарлар рўйхатида биринчи ўринга чиқди. Унинг ҳавоси таркибида РМ-2.5 майда дисперс заррача (юқори эҳтимолий майда чанг ҳисобига) меъёрий кўрсаткичлардан 3,5 баробар ортиб кетган.**

Ушбу мавзу ижтимоий тармоқларда юртдошларимизнинг қизғин баҳс-мунозарасига сабаб бўлди. Улар бунга сабаб қилиб, пойтахтда қурилиш ишлари ҳаддан ортиқ кўпайиб кетгани ва яшилликнинг камайганини айтишмоқда. Бу ҳам қайсидир маънода тўғридир. Ҳақиқатан ҳам, бугун қурилишлар жадал ривожланаётган бир пайтда, уларда аҳолининг хоҳиш-истаги, талаб ва таклифини инобатга олиш замон талабига айланди. Айниқса, яшил ҳудудларни кўпайтириш, қурилишларни режали ташкил этиш экология ва инсон саломатлигига бевосита боғлиқлигини бугун барчамиз бирдек англаб турибмиз.

Бу ҳақда АОКАда Қурилиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов иштирокида ўтказилган брифингда ҳам маълум қилинди.

Шаҳарсозлик норма ва қоидаларида турар жой зоналарининг кўкаламзорлаштирилган майдони 25 фоиздан кам бўлмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Бу, албатта, ижтимоий соҳа объектларини ҳисобга олмаган ҳолатдаги кўрсаткич. Ушбу меъёрлар ишлаб чиқариш ҳудудларида ҳам қайд қилинган. Бунда кўкаламзорлаштирилган ҳудудлар бино ва иншоотлар участка майдонининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган ерини эгаллаши керак.

Йўллар ва йўлакларда эса бу кўрсаткич 15 фоиздан 25 фоизгачани ташкил қилиши лозим. Саноат зоналарида ҳам энг кам кўкаламзорлаштирилган майдонлар ушбу ҳудудда пайдо бўлувчи чиқиндилар турини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Аммо давлат қурилиш назорати бўйича ўрганиш ва таҳлиллар давомида бу нормаларга амал қилмаслик ҳолатлари учрамоқда. Эндиликда биноларга ижтимоий талаблар белгилаш, хусусан, шаҳар ичида кўп қаватли иншоот қурилгудек бўлса, унинг турига қараб, мактаб, боғча, маиший хизмат, автотураргоҳ ўрни, кўкаламзорлаштириш майдони каби меъёрлар қўйилиши қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Шаҳар атрофида 130 километрлик яшил камар лойиҳаси амалга оширилади. Яшил йўл ёқаларида парк, кафе, ресторан, маданий объектлар бўлиши кўзда тутилади. Шаҳар ичидаги сув бўйлари ва йўл ёқалари яшил ҳудудга айлантирилади. Тошкентдаги яшил коридорларда олий таълим муассасаларини, ижтимоий маданий объектлар, спорт иншоотларини жойлаштириш кўзда тутилган. Янги қурилишларда ижтимоий фойдаланиш учун ҳудудлар ажратилади ва бунда яшилликка катта эътибор қаратилади.

Эндиликда ҳар қандай қурилишда қурувчи ташкилотга дарахт экиш мажбурияти юкланади. Бунинг учун алоҳида жадвал ҳам ишлаб чиқилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, яшил ҳудудлар бор жойда ҳаво ҳарорати нисбатан мўътадил бўлади. Чанг босилади, шовқин нисбатан тўсилади. Шунга кўра, яшилликнинг жойлашуви, кенглиги ҳам турларга ажратилади. Шаҳар ичидаги яшил коридорлар фақат дарахтзор эмас, балки, аҳоли фойдаланадиган ҳудуд ҳамдир. Шаҳар атрофидаги яшил камар эса қишлоқ хўжалиги ерларидан ҳам иборат бўлади.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 7 минг гектар яшил майдонлар қолган. Шу боис, Бош режа лойиҳасида бунга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, яшил ҳудудларни 25 минг гектарга етказиш мақсад қилинган.

**Ўз мухбиримиз.**

# КЕЛАЖАКДАГИ ТОШКЕНТ

## қулай инфратузилма, замонавий архитектура ва яшиллик асосида барпо этилади



1-бет

**– Тошкент – азим пойтахтимиз, мамлакатимизнинг энг катта шаҳри. Беш йилда инвестицияга, тадбиркорларга шароит яратдик, янги уйлар, замонавий иншоотлар қурилди. Бу ҳам керак. Энди келажакни ўйлаб, стратегияни аниқ белгилаб олмасак, ўн йилдан кейин шаҳарда яшаш қийин бўлиб кетади. Қўшимча босимни инфратузилма кўтармайди. Энди хато қилишга ҳақимиз йўқ. Халқ учун яратилиши керак бўлган қулайликларни ҳисобга олиб, лойиҳани 50 йил олдин тўғри қилмасак, шаҳарнинг архитектураси ҳам, иқтисодиёти ҳам, экологияси ҳам бўлмайди**, – деди Президент тақдимотда.

Қолаверса, Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳаси “Янги Тошкент” концепцияси билан мутаносиб тайёрланган. Бу янги шаҳар пойтахтимизнинг шарқий қисмида, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғида барпо этилади. 500 минг аҳолига мўлжалланган бўлади.

Шундан келиб чиқиб, истиқболли ривожланиш ва қурилиш ҳудудлари, янги шаҳар билан пойтахтни бирлаштирувчи асосий йўллар схемалари ишлаб чиқилган. Биринчи босқичда 6 минг гектарда бунёдкорлик қилиш режалаштирилган. Глобал исиш кузатилаётган бугунги дунёда яшиллик жуда муҳим. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 7 минг гектар яшил майдонлар мавжуд. Президентимиз илгари сурган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидан келиб чиқиб, Бош режа лойиҳасида бунга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, катта ҳалқа йўли атрофида “яшил камар” яратиш, шаҳардан ўтган каналлар бўйида тематик боғлар ташкил этиш кўзда тутилган. Умуман, пойтахтимизда яшил ҳудудларни 25 минг гектарга етказиш мақсад қилинган.

Ушбу улкан лойиҳага ёш мутахассисларни жалб этиб, тажрибасини шакллантириш, туман ва шаҳарлар архитектурасини мутаносиб ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Шу боис, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Наманган каби бошқа шаҳарларимизда ҳам лойиҳалаштириш марказлари очиш бўйича кўрсатма берилди.

Бугун хоҳлаймизми йўқми шаҳарлар инфратузилмаси ва архитектурасини урбанизация жараёнларини ҳисобга олиб такомилга етказишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бироқ қурилишларда одамларнинг хоҳиш-истаги, талаб ва таклифи ҳам бирламчи масалага айланаётгани сир эмас. Айниқса, яшил ҳудудларни кўпайтириш, қурилишларни режали ташкил этиш зуруратини иқлимда бўлаётган ўзгаришларнинг ўзи ҳам ёдга солмоқда.

Пойтахтнинг Бош режаси ва “Янги Тошкент” концепциясини ўрганиш, у билан мутахассислар, талабалар, умуман, кенг аҳоли вакилларини таништириш мақсадида ўтган ҳафта мобайнида “ТошкентбошпланЛИТИ”да Ўзбекистон архитекторлари уюшмаси аъзолари, институт талабалари, соҳада меҳнат қилган фахрийлар, депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида учрашувлар ташкил этилди.

Бош режа ва концепциянинг яратилиш жараёни ҳамда унинг муҳим жиҳатлари хусусида мутахассисларнинг фикрлари билан қизиқдик.

### Даврон АДИЛОВ, Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари:

– Пойтахтнинг Бош режасини яратиш ишига Президентимиз топшириғи билан “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУКда бу соҳада катта тажрибага эга бўлган бир гуруҳ туркиялик мутахассислар жалб қилинди. Улар орасида маданий мерос объектлари, туризмни ривожлантириш, йўл ва инфратузилма коммуникациялари, шаҳар иқтисодий салоҳиятини кўтариш йўналишлари бўйича малакали шаҳарсозлар борлиги лойиҳанинг мукаммал яратилишига замин яратди. Улар бу ерда бир йил давомида маҳаллий 20 дан ортиқ мутахассислар билан биргаликда Тошкент шаҳрини республикамизнинг бошқа вилоятлари билан боғлаган ҳолда ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишди. Бу стратегияда авваламбор, яшил ҳудудларни аҳоли жон бошига тўғри келадиган улушини икки бараварга кўтариш энг асосий йўналишлардан бири сифатида қаралган.

Иккинчи йўналиш – аҳолини ўзи турган манзилидан жамоат транспортигача бўлган вақтни пиёда юрганда 15 дақиқага тушириш.

Учинчи йўналиш – шаҳар кўчалари, бинолар баландлиги ва шаҳарда яшилликнинг улуши қанча бўлиши кераклигига аҳамият қаратилган.

Ютуқларимизни янги шаҳарга олиб чиқиб, татбиқ қиламиз. Камчиликларни эса бу ерни ўзида тузатамиз. Лекин у камчиликларни такрорламасликни учинчи йўналиш қилиб белгилаб олдик. Бундан ташқари, бу ишларни амалга оширишда ҳар битта хорижлик лойиҳа архитекторини танлов асосида танлаб олиш ва унинг ёнида ўзимизни ёш архитекторлардан ишчи гуруҳи бўлиши белгиланган. Президентимиз таъкидлаганидек, улар биргаликда ишлаши, иш жараёни эса шу ерда бўлиши, кимдир бизга лойиҳани чизиб олиб келиб бермаслиги керак. Янги шаҳар қуриш учун ажратилган 20 минг гектар ҳудуд 3 босқичга бўлинган ва унинг 6 минг гектарига мастер режа ишлаб чиқилган. 2 минг гектар майдонда маъмурий марказ жойлашиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, янги шаҳар лойиҳасида албатта, алтернатив электр энергияси ва яшил макон лойиҳасига катта эътибор бериш топшириғи ҳам берилди. Аниқроғи, 130 километрдан иборат шаҳарни ўраб турувчи яшил белбоғ қурилиши белгиланган. Бу ишларни босқичма-босқич амалга оширишни режалаштиряпмиз.

### Фарук ГОКСУ, туркиялик урбанист:

– Тақдимотда Тошкентнинг келажаги билан боғлиқ бўлган стратегияни ифодаладик. Ҳурматли Президент стратегияни ҳаракатга келтирадиган ташаббусларнинг муҳимлигини таъкидлади. Буни янада ривожлантирган ҳолда Тошкентнинг келажаги учун лозим бўлган саъй-ҳаракатларни мукаммалроқ режалашимизни айтди. Бу биринчи йўналишдаги ишларимиз. Иккинчи масала эса, ҳозирда турган жойимиз “Ҳаёт лабораторияси”. Бу ерда ёшлар билан биргаликда келажакни лойиҳалаштиряпмиз. Президент жаноблари шундай бир таклиф бердики, бу лабораторияни бошқа вилоятларда ҳам ташкил этиб, олий ўқув юртлари талабаларини жалб қилиш билан бирга бу муассаса фаолиятини янада ривожлантиришдир. Келгусида лабораториядаги тажрибани бутун Ўзбекистонга тарқатамиз. Дунё тенденцияларини ҳам ўрганамиз. Чунки бу ерда яхши бир жамоа шаклланди. Бу тажриба алмашинуви натижасида бошқа мамлакатларда йўл қўйилган хатоларни Ўзбекистонда қайтармаслик учун ҳаракат қиляпмиз. Яна бир масала шуки, ёшларга таълим бериш. Президент бу каби ҳаёт лабораторияларида мингдан зиёд мутахассисларнинг етишиб чиқишига кўмак бериш вазифасини қўйди. Бу биз учун жуда муҳим. Биз ҳам ўзбек ва турк ёшлари билан биргаликда режаларни, лойиҳаларни, стратегияларни шакллантирамиз. Салоҳиятли ёш мутахассислар билан “Янги Тошкент”нинг келажаги учун замонавий ижод асарлари ва намуналарини ҳамкорликда яратамиз.

### Саидазим ШАРИПОВ, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК шаҳарсозлик ва илмий лойиҳалар бўйича бош директор ўринбосари:

– Ҳозирги кунда “Янги Тошкент” ҳудудининг ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди. Стратергия – қайси ҳудудни қандай ривожланишини белгилаб берадиган қонун-қоида ҳисобланади. Биз яратган стратегияда ҳозирда мавжуд Тошкентнинг ҳолати ривожлантириш зоналарига бўлиб чиқилган. Ҳар битта белгиланган ҳудуд ичида бинолар ва яшил ҳудудларнинг жойлашуви, улар орасидаги мутаносибликлар ишлаб чиқилади. Ҳозир ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, шаҳарсозликда Бош режа деган нарса ривожланиш стратегияси деган тушунчага ўзгарган. Ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилгандан кейин ҳудудларнинг тактикалари яратилади. У тактикага кўра эса, кейинчалик ҳар қандай лойиҳа ташкилоти ўша ҳудуд учун Бош режа ишлаб чиқа олади. Бу Бош режалар стратегия орқали белгиланган бўлади.

“Янги Тошкент”нинг жойлашув ҳудудини белгилашда биз иқлимий кўрсаткичлар ва мавжуд Тошкент билан боғланиш ҳудудларини ҳам ҳисобга олганмиз. Шунингдек, жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқадиган тактикаларимиз рақамли муҳитда ва халққа очиқ бўлади. Яъни, ҳар қандай инсон ўзи бу тизимга кириб, қайси ҳудудда қандай режа қилинганини кўриш имконига эга бўлади. Яшил ҳудудлар эса шаҳар атрофидан кириб келадиган чанг-тўзонни камайтиради. Ҳозирда шаҳар атрофида яшил ҳудуд кам. Шуни таъминлаш учун яшил ҳудудни шаҳар ташқарисига қилишни режалаштирганмиз. Бу аҳолига ҳам қулайлик яратади, ҳам соғлигига фойдали.

### Мурадхан УСМАНОВ, Ўзбекистон архитекторлари уюшмаси аъзоси, ТАҚИ ва КИУТ шаҳарсозлик кафедралари профессори:

– Ҳақиқатан ҳам, айни пайтда Бош режа замон талабига айланди. Бош режа шундай ҳужжатки – у бутун ҳудудларни режалаштириш учун асос бўлиши керак. Афсуски, бугун шаҳарлар автомобиллар учун яратилгандек. Пиёдалар иккинчи, учинчи даражага тушиб қолган. Шаҳар аслида энг аввало, пиёда учун қулай бўлиши лозим. Мана, бундан бир-икки йил олдин Фарғона йўли режалаштирилди. Илгари иккита туман – Яшнобод ва Миробод бир-бири билан боғланиб турар эди. Лекин ҳозирги кунда улар алоҳида иккита шаҳарга айланиб қолган. Сабаби – пиёдалар ўтиши учун қулай йўл мавжуд эмас. Ислом ота масжиди ёнида тепадан йўл ўтказгич қурилди. Биз ўлчаб кўрдик, йўлнинг бу томонидаги пиёдалар ўтиш жойигача 80 метр. Ногиронлар учун учта пандос ҳам қилинган. Ҳар бири 50 метрдан 150 метр. Битта ногирон йўлнинг нариги бетига ўтиш учун 380 метр йўлни босиб ўтиши керак. Бу менимча адолатсизлик. Пиёдалар йўлаги энг аввало, айнан пиёдалар учун қулайлик яратиши зарур. Президентимиз трамвайни қайтариш ҳақида айтди. Бунда ҳам биринчи навбатда трамвай паркларини ривожлантириш керак. Ана шундан кейин трамвай йўлига навбат келади. Велосипед йўлакларини ривожлантириш зарурлиги ҳам қайд этилди. Бунинг учун ҳам ҳар бир кўчада велосипед парковларини қуриш зарур. Буларнинг барчаси учун энг аввало, инфратузилма бўлиши керак. Пиёдалар манфаатини кўзлаб Бош режа яратилса, янада мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Заҳро ЮСУПОВА, КИУТ талабаси:

– Пойтахтнинг Бош режаси ва “Янги Тошкент” лойиҳаси тақдимоти билан танишиб, унда нималарга аҳамият берилгани ҳақида мутахассислардан маълумот олдик. Бўлажак шаҳарсоз сифатида лойиҳада яшил ҳудудлар ва сув бўйларини ободонлаштириш масаласига эътибор қаратилгани менга айниқса, маъқул келди. “Яшил белбоғ” лойиҳаси ҳам жуда яхши ўйланган бўлиб, унинг амалга оширилиши экология ва инсон саломатлигига фойдаси катта. Тақдимотда транспорт тизимига ҳам катта аҳамият берилган бўлиб, жамоат транспортини ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар келтирилгани биз талабаларга ҳам ёқди. Бунда транспорт муаммолари бартараф этилиб, экологик транспорт воситалари кўпайтирилиши белгиланган. Булар бўйича ҳам тажрибали мутахассисларнинг фикрларини тингладик.

### Усмонхон ИСРОИЛОВ, КИУТ талабаси:

– Тақдимотда пойтахтнинг Бош режасини тақдимоти билан танишдик. Унда пойтахтдаги мавжуд муаммоларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, экология, транспорт, автотураргоҳлар, жамоат транспорт тизимига оид бир қатор ечимлар кўрсатилган. Бош режага биноан, саноат зоналарини шаҳар ташқарисига кўчириш белгиланганини кўрдик. Бу орқали пойтахт ҳавосини яхшилаш назарда тутилган. Мени ўйлантиргани, шаҳар ташқарисига чиқарилган бундай саноат зоналаридан тарқаладиган заҳарли моддаларни камайтириш учун ҳам қандайдир ечимлар кўрсатилиши керак эмасми? Дарахтлар экиладими ёки қандайдир фильтрлар қўйиладими? Шунингдек, “Янги Тошкент” концепциясида маҳаллаларни шакллантиришда миллий анъаналарни сақлаб қолишга, хусусан, кўчаларда узумли ишкомлар ҳам қурилиши белгиланганини эътиборимни тортди.

Шунингдек, “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУКда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев ҳам тақдимот билан танишиб, ўз фикрларини билдирди. Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Даврон Адилов иштирок этган ушбу учрашувда Тошкент шаҳрини 2045 йилгача ривожлантириш стратегияси, Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар ижроси ҳақида сўз борди. Расул Кушербаев лойиҳада кўрсатилган яшил камар ҳамда бинолар қурилишида мажбурий дарахт экиш каби вазифаларни маъқуллади.

Тан олиш керак, 2045 йилгача бунча режани амалга оширишни ўзи бўлмаса керак. Ахир, вақт тўхтаб турмайди. Агар барча ишлар тақдимотда айтилганидек ва лойиҳада кўрсатилганидек бажарилса, ҳозирги Тошкент ва келажакдаги Янги Тошкент юртимизни дунёга яна бир танитиши муқаррар.

# ҚУРИЛИШГА ДОИР ҚАРОРЛАРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

**Акбар РАЖАБОВ,**
Қурилиш вазирлиги юридик бўлим бошлиғи.



**Ҳар бир соҳа борки, унинг амал қиладиган қонун, қарор ва фармонлари мавжуд. Зеро, соҳанинг қонуний фаолият юритиши, бир маромда ишлаши учун ҳам бу каби қарорлар ўта зарур ҳисобланади. Бугун юртимизда Президентимиз томонидан айнан қурилиш соҳасига оид кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қуйида “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” Ҳукумат қарори лойиҳаси бўйича баъзи ўзгартиришлар ҳақида фикр билдирмоқчимиз.**

Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича эндиликда Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига тушадиган ажратмалар битта ҳужжатда белгиланмоқда. Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказишда Хотин-қизлар қўмитаси, “Ёшлар” иттифоқи, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармаларидан ташқари, “бошқа жамоатчилик” вакилларининг иштирок этиши ҳам белгиланган.

Шунингдек, танлов савдоларининг ғолибини аниқлаш ҳудудий танлов комиссиясининг очиқ мажлисида ўтказилиши белгиланди. Агарда, танловда ғолиб ва иккинчи ўринни олган оферент ҳам рад этган тақдирда, комиссия томонидан такрорий танлов ўтказилиши тайинланиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар қурилиш бош бошқармаларининг қуйидаги асосий вазифалари ва функциялари чиқариб ташланмоқда:

а) шаҳарсозлик, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсат олиб бориш (вазифа);

шаҳарсозлик, ишчи ва лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда белгиланган тартибга риоя этилиши устидан назорат қилиш (вазифа);

қурилиш қиймати пасайтирилишини, ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайдиган илғор технологияларни қурилиш соҳасига жорий этиш (функция);

қурилиш индустрияси корхоналари ва инвестиция фаолиятининг бошқа қатнашчилари тўғрисидаги маълумотлар базасини, шунингдек, қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базасини шакллантириш (функция).

Туман (шаҳар) қурилиш бўлимларининг эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда ва тартибда шаҳарсозлик фаолиятидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ҳамда тегишли ҳududдаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишлари, комплекс муҳандислик қидирувлари, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб бориш каби функциялари чиқариб ташланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашларининг намунавий таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошлиғи, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ вилоят ҳудудий корхонаси директори ҳамда Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи киритилиши кўзда тутилган.

Булардан ташқари, қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик шахсларни аккредитация қилиш давлат хизматларидан фойдаланиш учун сўровномадаги талаблар ҳам қисқартирилмоқда. Жумладан, эндиликда МФО, ИФУТ, ҳисоб рақами, хизмат кўрсатувчи банкнинг номи тақдим этилиши шарт эмас.

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияларининг ўз фаолияти бўйича жамоатчилик олдида ҳисобот беришини энг катта ўзгартиришлардан бири сифатида айтиш мумкин. Бу билан ҳудудий инспекция инспекторининг давлат қурилиш назоратини амалга ошириш жараёнидаги масъулияти янада ортишига эришилади.

Қолаверса, вахта усулида қурилаётган объектлар тартиби такомиллаштирилиб, жумладан, қайси ҳолатларда вахта муддати узайтирилиши, кимлар вахта усулида жалб қилишга йўл қўйилмаслиги ва ҳоказолар белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибига ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилиши режалаштирилган. Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган жорий таъмирланадиган биноларнинг лойиҳаларини смета қисми экспертизадан ўтказилиши ҳамда шаҳар, шаҳарчаларнинг бош режалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг бош режа лойиҳалари ишлаб чиқилиши билан бир вақтда, қишлоқ (овул) аҳоли пунктларини батафсил режалаштириш лойиҳаларининг экспертизадан ўтказиш қийматлари ҳам белгиланяпти.

Қолаверса, моҳияти ва аҳамиятини йўқотган, шунингдек, бугунги кунда тартибга солиш таъсири мавжуд бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўз кучини йўқотмоқда.

# Сейсмик фаол зоналарда қурилиши режалаштирилаётган объектларга илмий хулосалар берилади

**Ҳукумат қарори билан (603-сон, 15.10.2022 й.) “Республиканинг сейсмик фаол зоналарида қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган бино ва иншоотларга зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар бериш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.**

Низомга кўра, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлангандан кейин улар хавфлилик омили IV тоифага мансуб объектларга зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар олиш ҳамда экспертизадан ўтказиш учун буюртмачи ташкилотлар томонидан Қурилиш вазирлигига тақдим этилади.

Уларга қуйидаги муддатларда хулоса берилади:

– лойиҳа-смета ҳужжатлари уч кун муддатда зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар олиш учун Фанлар академиясига йўналтирилади;

– ҳужжатлар йўналтирилгандан сўнг бир кун муддатда буюртмачи ташкилотлар Фанлар академиясига буюртманома тақдим этади;

– Фанлар академияси ўн иш куни давомида буюртмачилар билан шартнома расмийлаштиради ҳамда назарий ва амалий тажриба синовидан ўтказиш ишларини ташкил этади;

– Фанлар академияси бир ойдан уч ойгача бўлган муддатда илмий тажриба-синов натижалари асосида илмий хулоса қабул қилади;

– Фанлар академияси илмий хулоса қабул қилгандан кейин уч иш куни давомида зилзилабардошлик бўйича илмий хулосанинг нусхасини буюртмачига етказади;

– шартнома шартлари тўлиқ бажарилганда хулосанинг асли ва тақдим этилган ҳужжатлар буюртмачига берилади.

Маълумот учун, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг сейсмик фаол зоналарида янги қурилиши режалаштирилаётган хавфлилик омили IV тоифага мансуб бўлган объектларга зилзилабардошлик бўйича илмий хулосалар бериш тартиби жорий этилган.

**Ўз мухбиримиз.**

# Субсидия ажратиш тартиби соддалаштирилди

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўлкамизда турар жойга муҳтож аҳоли қатламини уй-жой билан таъминлаш ва уларни моддий қўллаб-қувватлашда субсидиялар алоҳида ўрин тутмоқда. Эндиликда Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига ипотека кредити ва уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш жараёнларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан уй-жой учун субсидиялар ажратиш тартиби соддалаштирилади.**

Президентимизнинг “Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш, шунингдек, фуқароларга ипотека кредити ва субсидия ажратиш жараёнидаги бюрократияни кескин қисқартириш ҳамда ушбу жараёнларни рақамлаштириш мақсадида қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2022 йил 1 декабрдан бошлаб аҳолига уй-жой учун субсидиялар ажратиш тизимида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилади. Эски тартибдаги субсидия ажратиш тартибига ўзгартиш ўлароқ эндиликда субсидияга талабгорларни танлаб олиш комиссиялари таркибидан Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директорлари чиқарилади.

Шунингдек, субсидия олиш учун аризани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармалари, Ёшлар ишлари агентлиги бўлимлари ва туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан кўриб чиқиш тартиби бекор қилинади. Бунда мазкур ташкилотларнинг маълумотлари subsidiya.idm.uz дастурий таъминоти орқали автоматик тарзда шакллантирилади.

Субсидия ажратиш мақсадида уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонлари доирасида қуйидагилар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим шахслар тоифасига киритилади. Ёш оилалар, шу жумладан, 30 ёшдан ошмаган фуқаролар, олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан ишлаш учун келган олий маълумотли мутахассислар ва тиббиёт ходимлари. 2022 йил 1 ноябрга қадар “Labor – migration” дастури ва Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизими портали subsidiya.idm.uz дастурий таъминотига интеграция қилинади.

Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредити ажратишда қарз олувчиларга қарз юкининг энг юқори чегараси ҳамда субсидия олиш учун бир календарь йилда икки марта ариза бериш бўйича белгиланган чекловлар бекор қилинди.

2022 йил 1 ноябрга қадар 2020-2022 йиллар дастури доирасида субсидия ажратиш тўғрисида хабарнома олган фуқароларга ипотека кредити фоизларининг бир қисмини қоплаш бўйича тўланмай қолган субсидияларни тўлиқ тўлаш чоралари кўрилади. 2021 йил дастури доирасида субсидия ажратиш тўғрисида хабарнома олган Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турадиган фуқароларга Тошкент вилоятида қурилган уй-жойларни ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

# ОБОД БЎЛАЁТГАН МАНЗИЛЛАР

**Фозилжон ҚОСИМОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Жиззах вилоятида оғир ҳудудлар сирасига киритилган 40 та маҳалла фуқаролар йиғинида 101 та қишлоқ жойлашган. Президент Халқ қабулхоналари мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур ҳудудларда аниқланган муаммоларни комплекс ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўзида 28 та маҳалла ва улар таркибидаги 40 дан зиёд қишлоқларда инфратузилмани ривожлантириш, аҳолининг даромадли бўлиши, тадбиркорлик ҳамда бандлик борасидаги ташаббусларига тўсиқ бўлаётган масалаларни ҳал этишга эришилмоқда.**

Арнасой туманининг Бобур маҳалласида рўй берган ўзгаришлар 766 та оила, қарийб 3,5 минг нафар аҳолининг ҳаётига рўшнолик олиб келди. Маҳалладаги қарийб 2 километр ички йўл, Ибн Сино ва Маърифат кўчалари асфальт қилинди, 1,6 километрдан зиёдроғи эса шағалланди. 20 дона бетон таянч ўрнатилиб, 3,5 километр ҳаво тармоқлари тортилди, яна шунча алоқа кабеллари ўтказилди, трансформаторлар янгиланди. Ўрикли кўчаси аҳолисига ичимлик суви етказиб берилди.

Шу тумандаги Чинобод маҳалласи пайдо бўлганидан буён ўтган 50 йил давомида Қозоқовул кўчасининг йўли тупроғу лой, бу ердаги одамлар сувни ташиб ичган. 1,3 млрд сўм маблағ эвазига Қозоқовул, Чинобод, Мустақиллик кўчаларида яшовчи 100 хонадонга ичимлик сув тармоғи тортилиб, ҳисоблагич ва кранлар ўрнатиб берилди. Маҳалланинг 2,2 километрлик 5 та кўчаси шағалланди, 2 километр марказий кўчалари эса асфальт ва цемент бетон қилинди. Тармоқларда олиб борилган янгилаш ва таъмирлаш ишларидан сўнг электр энергияси таъминоти яхшиланди. Бундан ташқари, ҳудуддаги 12-умумтаълим мактаби жорий таъмирланди.

Гулзор маҳалласи Мирзачўл туманининг Айдаркўлга ёндош энг чекка аҳоли пункти. Мазкур маҳаллада яшайдиган 1 500 нафардан ортиқ аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида барча кўчалар таъмирланди, 4,5 – 5,5 метр кенгликда 7 километрдан зиёд асфальт ва цемент бетон ишлари бажарилди. Энг чекка Айдаркўл кўчаси эса шағаллаштирилди. Шулар қаторида ҳимояланган 3,2 километрлик ҳаво тармоқлари тортилиб, 55 дона таянч бетон устунлар ўрнатилиши натижасида электр энергия, мунтазам ташиб келтирилиб, қўшимча баллонлар ажратилгани ортидан суюлтирилган газ таъминоти яхшиланди. 9,5 километр янги тармоқлар барча хонадонларга ичимлик суви олиб келган бўлса, яқин ҳафталарда 2 километр ирригация тармоқлари ҳам янгиланиб, оқар сув муаммоси барҳам топади.

Ғаллаорол туманидаги “Қипчоқсув” ҚФЙ Хитоюз, Толлисой, Ширинбулоқ, Кичиксой, Солин, Каттасой, Қўрғончол, Қўшбулоқ, Сафарбулоқ, Довул, Нахрач, Қайрағочли каби 12 та қишлоқдан иборат бўлиб, 38 та ички йўллар мавжуд. Ўтган даврда Хитаюз, Қўрғончол, Солин қишлоқларида ички йўллар қум-шағал аралашмали қаттиқ қопламага ўтказилди. Солин ва Толлисой қишлоқларини боғловчи йўлларнинг 1 километри бетонлаштирилиб, 1,2 километрга асфальт ётқизилди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида ҚФЙдаги Солин, Қўрғончол ва Каттасой қишлоқларининг ҳар бирида биттадан артезиан қудуғи қазилиб, Солин қишлоғида 6 километр, Каттасой қишлоғида 1,5 километрли ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари давом эттирилмоқда.

Худди шу каби, Ширинбулоқ қишлоғида эскирган 80 та симёғоч ва трансформатор янгиланиб, ярим асрлик тармоқлар ўрнига 2 километрдан зиёд ҳимояланган кабель тортилди. Солин ва Довул қишлоқларидаги трансформатор ҳам янгиланди. Жараёнда узоқ манзилларнинг йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан бирга, ижтимоий соҳа объектлари ҳам қайта юз очмоқда. Жумладан, Қипчоқсув фуқаролар йиғини учун янги бино қуриб битказилди. Солин қишлоғида 180 ўринли 3-сонли мактабгача таълим ташкилоти фойдаланишга топширилди.

3 минг 694 нафар аҳолига хизмат кўрсатадиган Солиндаги тиббий маскан абгор ҳолатга келиб қолган эди. Дастур асосида бу ерда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бундан ташқари, янги деҳқон бозори қуришга киришилди. Энг олис Қўрғончол қишлоғидаги авария ҳолатга келиб қолган 40-мактаб 120 ўринли янги бинога кўчиб ўтди. Рақамлар тили билан айтганда, Жиззах вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи оғир 28 та фуқаролар йиғинлари таркибидаги 40 дан зиёд қишлоқлардаги аҳвол замонавий тусга келтирилди. 36 та ижтимоий соҳа объектларида 23,3 млрд сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлиб, ушбу объектларнинг 19 таси фойдаланишга қабул қилинган.

Бир сўз билан айтганда, йил якунига қадар бунёдкорлик ишлари олиб борилган қишлоқ ва маҳаллаларнинг 166 минг нафардан зиёд аҳолисини ўйлантириб келаётган тизимли муаммолар барҳам топади.

# Жаҳон андозаларига мос меҳмонхона

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Самарқандда ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммити муносабати билан очилган ”Буюк ипак йўли” халқаро туристик маркази ва ундаги жаҳон андазаларига мос 8 та меҳмонхонанинг фойдаланишга топширилиши барчани мамнун этган эди. Яқинда мана шу масканда яна битта тўрт юлдузли ҳашаматли иншоот мижозларга хизмат кўрсата бошлади.**



Меҳмонхонанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими, шаҳар ва туманлар масъуллари, жамоатчилик вакиллари қатнашишди. Тадбирда ушбу меҳмонхона Самарқандда сайёҳлик салоҳиятини ошириш, хорижлик зиёратчиларга қулай шароит яратиш йўлида ташланган дадил қадам рўёби экани алоҳида таъкидланди.

– Бу, 1996 йилдан буён нишонланиб келинаётган “Самарқанд куни”га ўзига хос совғамиз бўлди, – деди янги очилган “Zarafshon parkside” МЧЖ раҳбари Комилжон Сатторов. – Қадимий шаҳарнинг дастлабки “Интурист” биноси 1959 йилда қурилган. Ўтган вақтда минглаб меҳмонларнинг ҳожатини чиқарган муассаса эндиликда эскириб, реконструкцияга муҳтож бўлиб қолганди. “Ал Муйин” жамияти аъзолари билан маслаҳатлашиб, уни замонавий қиёфага айлантиришга аҳд қилдик.

“Самарқанд миноралари” жамоаси мутахассислари лойиҳалари асосида “Умиджон элита” МЧЖ ишчи-хизматчилари сифатли таъмирлаш, қўшимча бинолар бунёд этиш, ўринлар сонини 110 тага етказиш учун меҳнат қилишди. Муҳими, улар бино замонавий ва миллий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштиришга жиддий аҳамият қаратди. Бунда Туркиянинг “Винса” компанияси тажрибали усталари яқиндан ёрдам беришди.

Айтиш жоизки, ЮНЕСКОнинг маданий мероси рўйхатига киритилган меҳмонхона Самарқанддаги ноёб ва нодир иншоотлардан ҳисобланади.

# Баҳор маҳалласига “баҳор келди”

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бола – баҳор. Бола билан хонадонларда кулги ҳукмрон, кўча-маҳаллалар оромбахш, сархуш. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида қуриб битказилган янги “Star kids” мактабгача таълим ташкилоти маҳалла фуқароларига олам-олам қувонч улашди. Мазкур хусусий ташкилотнинг замонавий кўриниши ўз ўрнида маҳалланинг ташқи кўринишига ҳам шукуҳ бахш этди.**

Юртимизда сўнгги йилларда болалар боғчалари қуриш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Айниқса, хусусий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этиш ҳаракатларининг давлат томонидан рағбатлантирилиши ортида мазкур соҳада кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга ошди. Ушбу жараён тадбиркорлик фаолияти сифатида кўрилиб, болажонларнинг сифатли таълим-тарбия олишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маълумки, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ўлкамизнинг аҳолиси энг гавжум маъмурий бирликларидан ҳисобланади. Туманнинг Баҳор маҳалласи яқинда қуриб битказилган янги мактабгача таълим ташкилотининг очилиш маросимига йиғилган санъат ва маданият вакилларининг куй-қўшиқлари садосига йўғрилди.

Янги мактабгача таълим ташкилоти биносининг очилиш маросимига йиғилган ҳокимлик вакиллари, қурувчилар ва маҳалла фуқаролари мамлакатимизда бола тарбияси, уни бошланғич таълимга тайёрлаш масалаларига қаратилаётган эътибордан мамнун эканликларини эътироф этишди. Айтиш керакки, тадбирга йиғилган болажонлар боғча биноси ҳудудида ташкил этилган ўйингоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришди.

– Таълим ҳар бир жамиятнинг миллий ўзлигини уйғотишда асосий омилдир, – деди Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги матбуот котиби Маъмур Пармонов. – Ўлкамизда энг кичик ёшдаги аҳоли қатламини ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жажжи дунёсида бўлажак таълимга нисбатан муносиб фикр уйғотиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, ҳудудда кўплаб болалар боғчалари ташкил этилмоқда. Бунинг натижасида болаларнинг сифатли тарбия олишига эришилиб, бир қанча иш ўринлари ташкил этилмоқда.

Баҳор маҳалласида қуриб битказилган мазкур мактабгача таълим ташкилоти 2 қаватдан иборат бўлиб, керакли жиҳозлар билан таъминланган. Шинам бино ўз бағрига 100 нафар болани сиғдира олиши билан аҳамиятлидир. Шунингдек, мазкур болалар боғчасининг очилиши натижасида 12 та иш ўрни ташкил этилди. Бинода зарурий қулайликларга эга кенг томоша зали, ўйингоҳ, ётоқхона, ошхона ва машғулот хоналари ташкил этилган. Ранг-баранд деворий суратлар, мебеллар болажонларнинг руҳиятига мос тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, ўзига-хос симметрик уйғунлик касб этган.

Халқимиз азалдан болапарварлиги билан ном қозонган. Бугунги кунда бола тарбияси, таълимига давлат даражасида эътибор кўрсатилмоқда. Қуриб-битказилаётган болалар боғчаларининг кун сайин ортиб бораётгани эса бунинг бир далили бўла олади. Албатта, бундай қулай ва шукуҳли болалар боғчаларида етишган болажонлар келажакда ўлка ривожига ўз ҳиссаларини қўшади.

# "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 25 ноябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Шокирариқ кўчаси, 100-уй манзилида жойлашган Тошкент шаҳар Сергели тумани хусусий нотариал идорасининг 2022 йил 29 июль ва 12 октябрдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Lombard Gazalkent kredit" МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202201957007026-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 2 151 000 сўм.
2. 202201957007027-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 999 500 сўм.
3. 202201957007024-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 166 250 сўм.
4. 202201957007023-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 11 089 500 сўм.
5. 202201957007022-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 242 000 сўм.
6. 202201957007021-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 166 250 сўм.
7. 202201957007020-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 469 250 сўм.
8. 202201957007025-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 393 500 сўм.
9. 202201957009183-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 545 000 сўм.
10. 202201957009182-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 13 665 000 сўм.
11. 202201957009181-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 120 500 сўм.
12. 202201957009180-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 090 500 сўм.
13. 202201957009179-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 060 000 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан "Lombard Gazalkent kredit" МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Ибн Сино кўчаси.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 25 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади. Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдода иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисида"ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич нархининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим:** 2020 8000 0049 3216 8025 АТБ "Турон банк" Яшнобод филиали МФО 01083 СТИР 302 083 379.

**Аукцион савдода қатнашиш истагидагилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

**юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;

**жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.

**Мурожаат учун тел.:** 71-236-74-67.
**Веб-сайт:** www.uai.uz

*004059 рақамли гувоҳнома.*

# "Universal Auktsion Invest" МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**2022 йил 25 ноябрь куни соат 11.30 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдога Тошкент шаҳри, Сергели туманида жойлашган хусусий нотариал идорасининг 2022 йил 12 октябрдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) "Lombard Kibray kredit" МЧЖ томонидан қўйилмоқда:**

1. 202201957009170-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 4 090 200 сўм.
2. 202201957009171-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 1 226 850 сўм.
3. 202201957009172-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 666 000 сўм.
4. 202201957009173-сонли ижро хатига асосан заргарлик буюмлари, **бошланғич баҳоси** – 3 514 500 сўм.
